

**МАМЛАКАТИМИЗ РЕАЛ СЕКТОР КОРХОНАЛАРИГА ЭКСПОРТ
ФАОЛИЯТИДАГИ МУАММОЛАР ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ
МАСАЛАЛАРИ**

Davlatov Suqrob Sayidjonovich

Osiyo xalqaro universiteti iqtisodiyot kafedra dotsent

Jo'rayev Alisher Tursunboyevich

Osiyo xalqaro universiteti ijtimoiy fanlar va texnika fakulteti iqtisodiyon magistri

Аннотация: Мақолада иқтисодиёт тармоқларида инвестицион жозибадорликни баҳолаш зарурати асосланиб, унга муаллифлик очиқламаси тавсия этилган. Мамлакатимиз минтақаларига инвестициялар жалб этилиши ҳолати таҳлил қилиниб, хорижий инвесторлар учун тармоқларнинг инвестицион жозибадорлигини баҳолаш йўналишлари кўрсатиб берилган.

Аннотация: В статье обоснована необходимость оценки инвестиционной привлекательности отрасли, предложено ее авторское определение, проведен анализ привлечения инвестиций в экономику региона, а также представлены подходы к оценке инвестиционной привлекательности отрасли для зарубежных инвесторов.

Abstract: The paper substantiates the need to evaluate the investment attractiveness of an industry, suggests the author's definition of the issue, proposes approaches and foreign investors.

Калим сўзлар: инвестицион жозибадорлик, тармоқ, минтақа, инвестор, хорижий инвестор, инвестицион жозибадорликни баҳолаш.

Кириш

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иктисодий ислоҳотлар иқтисодиётнинг барча тармоқлари ва соҳаларида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш орқали узоқ муддатли барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилган. Республикаизда инвестиция сиёсатини такомиллаштириш ва хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Жалб этилган хорижий инвестицияларнинг асосий қисми реал сектор корхоналарини ривожлантиришга ва уларни техникик-технологик янгилашга йўналтирилган.

Шу билан бирга инвестицияларни жалб этиш ва уларнинг самарадорлигини ошириш бўйича ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар ҳам талайгина. Жалб этилган инвестициялар ҳажми иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш учун етарли бўлмаяпти. Хорижий инвестициялар катта қисмининг бир нечта минтақаларда тўпланиб қолганлиги республикамиз

мintaқalariда мавжуд табиий-иктисодий салоҳиятдан тўлиқ фойдаланиш имкониятларини чеклаб қўймоқда.

Шу муносабат билан республикамизда инвестициялар жалб этиш самарадорлигини ошириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиши мухим аҳамиятга эга бўлиб, мазкур соҳада илмий тадқиқотлар олиб боришни давом эттириш заруратини келтириб чиқармоқда.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Иктисодиётга инвестицияларни жалб этиш ва улардан самарали фойдаланишнинг назарий жиҳатлари қатор олимлар томонидан ўрганилган. Жумладан, хориж олимларидан Ж.М.Кейнс, А.Маршалл, П.Самуэльсон, В.М.Фридман, К.Р.Макконелл, А.И.Дедиков, Г.Найденов ва бошқалар инвестициялар ва уларнинг самарадорлиги тўғрисидаги назарий концепциялар ишлаб чиққанлар [8].

Ўзбекистон иктисодиётига инвестицияларни жалб этиш масалалари С.С.Ғуломов, А.В.Вахабов, Д.Ғозибеков, Н.Х.Хайдаров, Ш.Г.Юлдошев ва бошқаларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган [7]. Бу ишларда асосан хорижий инвестицияларни жалб этишини кучайтиришнинг назарий жиҳатлари, бу жараёндаги молиявий-солиқ муносабатлари ёритилган. Ўзбекистон иктисодиётининг ҳудудий ривожланишини тартибга солиши масалалари Ш.Б. Имомовнинг илмий ишларида кўриб чиқилган[10].

Шу билан бирга иктисодий адабиётларда иктисодиётни модернизациялашда инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш масалалари етарли даражада тадқиқ этилмаган. Мамлакатни модернизация қилиш ва жаҳон молиявий-иктисодий инқирозининг Ўзбекистонда салбий оқибатларини бартараф этиш шароитида мамлакатимиз иктисодиётига инвестицияларни жалб қилишнинг хусусиятлари ва устувор йўналишларини тадқиқ этиш зарурати ушбу тадқиқот йўналишининг долзарблигидан далолат беради.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотнинг асосий мақсади жаҳон хўжалиги тизимида глобаллашув жараёнларининг чуқурлашуви ва мамлакакатимиз иктисодиётини модернизациялаш шароитида минтақалар реал сектор корхоналарига инвестициялар жалб этиш самарадорлигини ошириш бўйича илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишидан иборат. Тадқиқот жараёнда таққослаш, иктисодий-статистик ва абстракт фикрлаш усусларидан кенг фойдаланилди. Тадқиқот натижасида минтақалар реал сектори корхоналарини модернизациялаш меҳанизмларини такомиллаштиришга оид илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқилди. Хорижий инвестицияларни ўзлаштириш орқали минтақаларда қулай инвестицион мухит барпо этиш омиллари ва шарт-

шароитларига баҳо берилди.

Ишлаб чиқилган илмий-амалий таклиф ва тавсиялардан мамлакатимиз минтақаларида ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган инвестиция сиёсатини ташкил этиш ва реал сектор корхоналарини модернизация қилишнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш бўйича мақсадли давлат дастурларини ишлаб чиқишида фойдаланиш мумкин.

Таҳлил ва натижалар

Мамлакатни модернизация қилиш ва янгилаш чора-тадбирларини амалга оширишнинг муҳим шарти ва манбаи сифатида фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш ва хорижий инвестицияларни жалб этиш муҳим аҳамият касб этади. Иқтисодиётнинг устувор тармоқларини ривожлантириш учун хорижий инвестицияларни жалб қилиш сиёсати мавжуд маблағлар, амалдаги шарт-шароитлардан келиб чиқиб мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтириш, ҳамда инвестицияларни иқтисодиётнинг устувор тармоқларига жалб қилишга ва улардан самарали фойдаланишга қаратилган.

Тадқиқотнинг асосий мақсади мамлакакатимиз иқтисодиётини модернизациялаш ва жаҳон хўжалик тизимида глобаллашув жараёнларининг чуқурлашуви шароитида худудлар реал сектор корхоналарига инвестициялар жалб этиш самарадорлигини ошириш бўйича илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишидан иборат.

Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- қатор йиллар давомида ўтказилган ислоҳотлар ва инвестиция сиёсатининг асосий тамойиллари ва йўналишларини илмий жиҳатдан асослаш;
- Ўзбекистон Республикаси инвестиция сиёсати ва унинг ўзига ҳос жиҳатларини очиб бериш ҳамда тегишли ҳулоса ва таклифларни шакллантириш;
- ишлаб чиқаришни модернизациялаш механизмларини такомиллаштиришга оид илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқиш;
- мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестициялар жалб этиш динамикасини таҳлил қилиш ва унга таъсир этувчи омилларни аниқлаш;
- республикамизнинг табиий-иктисодий имкониятларидан келиб чиқсан ҳолда Ўзбекистонда қулай инвестицион муҳит барпо этиш омиллари ва шарт-шароитларига баҳо бериш;
- иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида Ўзбекистонда олиб борилаётган инвестиция сиёсати ва модернизация қилиш механизмларини такомиллаштиришнинг истиқбол кўрсаткичларини аниқлаш.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг жаҳон молиявий-иктисодий инқизозига багишланган асарида 2009 - 2014 йилларга

мўлжалланган мамлакат иктисодиётини модернизациялаш дастурини ишлаб чиқиши тўғрисидаги масалага алоҳида эътибор қаратди. Ушбу дастурда иктисодиётимизнинг асосий тармоқларини модернизация қилиш ва техник янгилаш, мамлакатимизнинг янги мэрраларни эгаллаши учун кучли туртки берадиган ва жаҳон бозорида рақобатдошлигини таъминлайдиган замонавий инновация технологияларини жорий қилиш бўйича мақсадли лойиҳалар ўз ифодасини топган. Мазкур кенг кўламли дастурни амалга ошириш учун мамлакатимизда сўнгти йилларда жиддий тайёргарлик кўриб келинмоқда. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози бу жараённи янада жадаллаштиришда туртки бериб, уни ҳар томонлама тезлаштиришни тақозо этмоқда[11].

Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга оширишда инвестицияларни жалб этиш, аввало, ички манбаларни сафарбар этиш ҳисобидан иктисодиётимизнинг муҳим тармоқларини жадал модернизация қилиш, техник ва технологиялар, қайта жиҳозлаш, устувор йўналишга айланди.

«Инвестиция дастури ва техник модернизациялаш бўйича тармоқ дастурлари доирасида 2009 йил мобайнида 690 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилди. Уларнинг 303 таси муваффақиятли яқунланди. Республикаизда жами 22 та йирик ишлаб чиқариш обьекти, жумладан, нефть-газ, кимё, металлургия саноатида 8 та, машинасозлик саноатида 9 та ва қурилиш индустрисида 5 та обьект фойдаланишга топширилди»[11].

Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш шароитида иктисодиётимизни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, унинг рақобатдошлигини кескин ошириш, экспорт салоҳиятини юксалтиришга қаратилган муҳим устувор лойиҳаларни амалга ошириш бўйича Дастур ишлаб чиқилди. Ушбу дастур доирасида умумий қиймати 42,5 млрд. АҚШ долларидан зиёд бўлган қарийб 327 та инвестиция дойиҳаси амалга оширилди. 2009 - 2014 йилларда амалга ошириши кўзда тутилган инвестицион лойиҳаларнинг 73,5% и янги қурилиш, 23,1% и модернизация ва тиклашга, 3,4% и бошқа йўналишларга сарфланди Инновацион фаолиятни ўрганувчи мутахассисларнинг фикрича, инновацион инфратузилма қўйилган инновацион мақсадларга эришишни таъминловчи вазифаларни бажариш учун алоқадор хўжалик юритувчи субъектлар томонидан инновацион ғоялар, лойиҳалар, амалий, фундаментал тадқиқотлар ҳамда инновацион таълим дастурларини амалга ошириш бўйича маҳсус муассасалар фаолиятидир[10].


Кейинги йилларда мамлакатимизда халқаро амалиётда синалган ва иктисодиётни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этувчи бозор муносабатлари ва тажрибаларини ҳаётга татбиқ этишга катта эътибор қаратилмоқда. Шулардан бири кластерлар бўлиб, ҳозирда иктисодиётимизнинг тўқимачилик ва енгил саноат соҳасида ушбу тузилма

фаолияти йўлга қўйилмоқда.

Кўпгина манбаларда ривожланган давлатларнинг тажрибалари тадқиқ этилиб, барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлашда, инвестицион фаолликни оширишда, рақобатбардош товарлар ишлаб чиқаришда халқаро логистика марказлари, эркин иқтисодий зоналар билан бир қаторда кластерларнинг ҳам ўрни ва аҳамияти юқори эканлиги кўрсатилган. Дунёning кўпгина мамлакатларида инновацион иқтисодиётни шакллантириш ва бошқаришда зарур инфратузилма - кластерлардан фойдаланиш бўйича маълум тажриба тўпланган. Албатта бугунги кунда иқтисодиётимиз олдида турган муҳим вазифа бу хомашёга асосланган ишлаб чиқаришдан инновацион ишлаб чиқаришга босқичма- босқич ўтиш ҳисобланади. Бунинг учун зарур инновацион муҳит, илмий-техник тараққиёт ютуқларидан фойдаланиш имкониятини берувчи тузилмалар яратиш зарур. Замонавий иқтисодий тараққиётнинг муҳим шарти ҳам хўжалик юритишнинг кластер моделини яратиш ҳисобланади.

Албатта бугунги кунда иқтисодиётимиз олдида турган муҳим вазифа бу хомашёга асосланган ишлаб чиқаришдан инновацион ишлаб чиқаришга босқичма- босқич ўтиш ҳисобланади. Бунинг учун зарур инновацион муҳит, илмий-техник тараққиёт ютуқларидан фойдаланиш имкониятини берувчи тузилмалар яратиш зарур. Замонавий иқтисодий тараққиётнинг муҳим шарти ҳам хўжалик юритишни

нг кластер моделини яратиш ҳисобланади.



Фикримизча инновацион кластерлар ташкил этишнинг бир қанча афзаликлари мавжуд:

- Географик жиҳатдан бир-бирига яқин жойлашган объектларда маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлиги ортади. Негаки ташиш харажатлари камаяди, жараёндаги узилишлар бартараф этилади;
- Инновацион кластерлар иқтисодий ўзгаришларга нисбатан мослашувчанлиги билан ажralиб туради;
- Янги ташкил этилган корхоналар учун қулай бизнес инкубатор вазифасини ўтайди, инновацион технологияларни самарали қўллаш имконини беради;
- Кластер жойлашган худуд инфратузилмаси яхшиланади;
- Аҳолининг иш билан таъминланиш муаммосига ечим топилади.

Шундай экан бугунги кунда инновацион технологиялар энг муҳим стратегик ресурс ҳисобланади. Чунки саноат ва молиявий технологияларнинг амалиётга жорий этилиши корхоналарда ишлаб чиқариш инфратузилмасининг ривожланиши, интеллектуал салоҳиятнинг ошиши, экспортга йўналтирилган маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилиши ҳамда мамлакатда валюта захираларининг жамғарилиши каби иқтисодий масалаларнинг ижобий ҳал этилишига олиб келади

1-расм. Республикага хорижий инвестиция ва кредитларни жалб қилиш схемаси

Манба: Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг расмий сайтидан (www.mfer.uz) олинган маълумотлар асосида ишлаб чиқилган.

Кенг миқёсдаги инвестициялар, ривожланиш мақсадларида халқаро молиявий институтлар билан ўрнатилган фаол ҳамкорлик, хорижий инвесторлар учун имкониятлар изчил равишда кенгайтирилиб борилиши келгуси йилларда иқтисодий ўсишни камида 8,3 фоиз даражасида белгилаш ва унга эришиш имкониятини беради. Бундай мақсадларнинг асосли эканлиги ҳалқаро молиявий институтлар томонидан бир неча бор таъкидланган.

Иқтисодиётни инвестициялаш бўйича халқаро тажрибани ўрганиш, капитал маблағларнинг минтақага киритилиши икки йўналишда амалга оширилишини аниқлаш имконини беради. Биринчиси, ички капитал маблағларни иқтисодиётга жалб этиш асосида олиб борилса, иккинчи йўл – ташқи инвестицияларни иқтисодиётга киритилишини назарда тутади. Ўзбекистон қудратли, саноати ривожланган ишлаб чиқариш потенциалига ва

ривожланган инфратузилмага эга бўлиб, географик қулай жойлашган. Мамлакатимизда амалга оширилган пул ислоҳоти миллий валютамиз баркарорлашуви ва инфляция жараёнларини бошқариш имкониятларининг топилиши ҳам мамлакат иқтисодиётига ўз ижобий таъсирини кўрсатди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 декабрдаги ПҚ-1442-сонли қарори билан тасдиқланган “2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари дастури” мамлакатимиз саноатини барқарор, жадал ва мутаносиб равишда ривожлантириш, асосий саноат тармоқларини диверсификация қилишга ва экспорт салоҳиятини ўстиришга йўналтирилган таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, саноат тармоқлари, комплекслари ва

корхоналарини модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш асосида уларнинг самарадорлиги ҳамда рақобатдошлигини янада оширишга қаратилган.

Амалга ошириладиган лойиҳалар асосан енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қурилиш материаллари, чарм-пойабзал маҳсулотлари, электр- маиший товарлар, озиқ-овқат саноати, тиббиёт (дори-дармон) ва бошқа шу каби устувор соҳаларни қамраб олади. Саноат корхоналарини кенг миқёсда модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, уларни энг замонавий юқори технологик ускуналар билан жиҳозлаш, саноат тармоқларида замонавий илмий ютуқлар ва илгор инновация технологияларини жадал татбиқ этиш худудлар иқтисодий салоҳиятини ошиб боришига хизмат қиласди [13].

Республикамизга хорижий инвестициялар кишининг асосий омили мамлакатимиз табиий хомашёга бойлиги, қишлоқ хўжалигини юритишига қулай шароит мавжудлиги, етарли даражада меҳнат ресурслари ва меҳнат салоҳияти, юртимизда осойишта вазиятнинг барқарорлигидадир. Барча хорижий инвестициялар учун қулай ва имтиёзли шароит вужудга келтирилган.

Ўрганилган муаммо юзасидан минтақаларга инвестициялар жалб этиш жараёнларида ҳал этилиши лозим бўлган қўйидаги камчиликлар аниқланди:

- минтақаларда инвестиция инфратузилмасининг яхши ривожланмаганлиги - банклар, инвестиция фондлари, суғурта ва лизинг компаниялари фаолиятини рағбатлантириш ва инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда уларнинг иштирокини самарали йўлга қўйиш;
- тадбиркорларнинг бизнес-кўнкимлари, шу жумладан, инвестиция лойиҳалари билан ишлаш тажрибаси ва хуқукий билимларининг етарли эмаслиги-худудларда консалтинг, маркетинг ва юридик хизмат кўрсатувчи марказлар ташкил этиш ва фаолиятини ривожлантириш;
- инвестиция таклифлари ва лойиҳа техник-иктисодий асосларининг белгиланган талабларга жавоб бермаслиги-тадбиркорларга инвестиция

лойихаларини ишлаб чиқишда тижорат банклари, ҳудудлардаги савдо - саноат палатаси ва бошқа масъул идоралар томонидан амалий ёрдам кўрсатилишини маҳаллий ҳокимликлар томонидан ташкил этиш ва доимий назоратга олиш;

- мамлакат инвестицион мухитининг баҳолашда инвестиция мухитини баҳолаш агентликларини мавжуд эмаслиги, ушбу соҳада малакали кадрларни мавжуд эмаслиги;

- ривожланган ҳудудларга нисбатан суст ривожланган ҳудудларга бўлган хорижий капитал қўйилмаларнинг камлиги; инвестицияларнинг ҳудудий бир ёқламалик хусусиятини олдини олиш мақсадида, вилоятларни ривожланганлик даражаси бўйича уч гуруҳга бўлиб, суст ривожланган минтақаларга инвесторлар учун кўпроқ манфаатдорлик, мойиллик яратиш.

Хулоса ва таклифлар

Тадқиқот натижасида аниқланган муаммоларни ҳал этиш ва инвестиция самарадорлигини оширишга қаратилган қуидаги илмий тавсия ва амалий таклифлар амалга оширилиши зарур деб ҳисоблаймиз:

- хорижий инвестициялрни жалб қилиш ва тартибга солишида қонун ва меъёрий хужжатларни такомиллаштириш;
- мамлакатдаги ва корхоналар даражасидаги кадрлар салоҳиятини ошириш;
- ички бозорда ўз фаолиятини олиб бораётган миллий корхоналарни аниқ ахборот билан таъминланишини яхшилаш;
- мамлакатдаги ривожланиш даражаси пастроқ бўлган минтақаларга молиявий маблағлар ажратиш;
- Ўзбекистон Республикасида Инвестицион лойихаларни баҳолаш мақсадида инвестицион агентликларни ташкил этиш.

Юқоридаги муаммоларни бартараф этилиши иқтисодиёт мамлакатимиз иқтисодиётини тубдан таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилиш, қисқа муддатда мутлақо янги, локомотив ролини бажарадиган тармоқларни барпо этиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш дастурларини амалга ошириш, замонавий бозор инфратузилмасини шакллантириш борасида ўз вақтида бошланган, чуқур ўйланган ва узоқ истиқболга мўлжалланган ишларни йўлга қўйиш, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва натижада мамлакат аҳолисининг турмуш даражасини кўтарилиши ва даромадларини ошишига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг "Чет эл инвестициялари тўғрисида"ги қонуни. 30.04.1998 й. NORMA тизими.
2. Ўзбекистон Республикасининг "Инвестиция фаолияти тўғрисида"ги қонуни.,

- 24.12.1998 й.//. NORMA тизими.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони "Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида", 2008 йил 28 ноябрь, ПФ-4058-сон.//NORMA тизими
 4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори, 15.12.2010 й.,
 5. №ПҚ-1442 "2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида"
 6. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларининг олдини олиш ва республиканинг барқарор ривожланишини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар. Барқарор иқтисодий ривожланишнинг истиқболдаги устувор йўналишлари ва 2010 йилдаги макроиқтисодий кўрсаткичларга эришиш омиллари ҳамда долзарб масалалари // Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятлар ва Тошкенто шаҳар ҳокимликлари раҳбарларининг минтақавий семинари материаллари. – Т.: 2010.
 7. Юлдашев Ш.Г. Хорижий инвестициялар Ўзбекистон Республикаси миллий тақрор ишлаб чиқаришнинг иқтисодий ўсиш ва эркинлаштириш омили сифатида. - Т.: 2002.
 8. Рустамова Д.Д. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида хорижий инвестицияларни жалб этишнинг назарий асослари ва устувор йўналишлари:
 9. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. -Т.: 2006. 23 б
 - 10.Обломуротов Н.Н. Тўғридан – тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг назарий асослари ва устувор йўналишлари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. -Т.: 2008. 24 б.
 - 11.Насретдинов С.С. Миллий иқтисодиётни модернизациялашда инвестициялардан фойдаланишнинг назарий асослари ва самарадорлигини ошириш йўллари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. -Т.:2008. 24 б.
 - 12.Имамов Ш.Б. Регулирование территориального развития экономики Узбекистана: Автореферат диссертации на соискание учёной степени доктора экономических наук. – Т., 1993.
 - 13.<http://www.mf.uz> - Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги веб портали.
 - 14.<http://www.stat.uz> - Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Кўмитаси веб сайти.
 - 15.<http://www.mfer.uz> Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлиги.